


❄ Янги йилнингиз кутлуғ бўлсин, азизлар!

Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen



Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2002 yil, 27 dekabr № 52 (537)

Sotuvda narxi erkin

БАЙРАМИМИЗ МУБОРАК!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хайъати номидан Сиз азиз ҳамкасблар, заҳматкаш алоқачиларни янги — 2003 йил билан чин юракдан табриклайман.

Ўтаётган йилда мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигини нишонладик. Ана шу йиллар ичида алоқа соҳасида мисли қўрилмаган ўзгаришлар бўлди. Хориж технологияларининг кириб келаётгани, янги-янги корхоналар бунёд этилаётгани, алоқа хизматининг жаҳон андозалари даражасига кўтарилаётгани — буларнинг барчаси истиқлол шарофатидандир.

Одатда, янги йил бошида ўтган йилда бажарилган ишлар сарҳисоб қилинади. 2002 йили алоқачиларнинг ўз касбига садоқати, саъй-ҳаракати ва ташаббуси туфайли режада белгиланган асосий ишлар бажарилди. Беvosита ишлаб чиқариш билан боғлиқ му-

аммолар ҳал қилинди. Натижада алоқа иншоотлари қурилишида, мамлакатимиз аҳолиси ва халқ хўжалигига хизмат кўрсатишда муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Хорижий алоқачилар билан ҳамкорликни кучайтириш ҳамда Республикамиз телекоммуникация тармоқларининг тараққиёти учун чет эл сармояларини жалб қилишда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Эришилган ютуқлар заҳматкаш алоқачиларнинг ўз вазифаларида сидқидилдан ёндошишлари ва фидойиликлари самарасидир.


Ўтган 2002 йил Агентлигимиз учун янада масъулиятли йил бўлди. Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилди. Бу эса Республикамизда кечаётган жараёнларда янада фаолроқ иштирок этишга ундайди.

Азиз ҳамкасблар!

Янги — 2003 йили ҳам амалга оширмоқчи бўлган режаларимиз ва орзу-ниятларимиз улутвор. Бошлаган хайрли ишларимизни давом эттириш ва мижозларнинг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларига мос, намунали хизмат кўрсатиш асосий мақсадимиздир.

Юртимиз равнақи йўлидаги меҳнатингизда ҳамisha омад ёр бўлсин. Янги йилда ҳам соҳа ривож ва тараққиёти йўлида, халқимизга сифатли, замонавий хизмат турларини кўрсатишда ўз саъй-ҳаракатингизни аямайсиз деб умид қиламан. Сизларга оилавий тинчлик-тотувлик, шоду хуррамлик, сиҳат-саломатлик тилаб қоламан. Янги йилнингиз кутлуғ бўлсин!

А.АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари,
Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори



БИРИНЧИ ЯНВАР

Бутун армонларни қолдириб нари,
Белларга боғлаймиз умиддан камар.
Сочилар қорқушнинг момиқ патлари,
Янги йил келмоқда. Биринчи январ!

Бу кунлар қуёш ҳам кўрсатмас рухсор,
Хаттоки кўринмас осмонда қамар.
Лекин чехраларда руҳнинг зарби бор,
Янги йил келмоқда! Биринчи январ!

Шоир қоникмайди ўзидан-ўзи,
Ўтган йилдан кўрдим дея қўп самар.
Бу йил шоир, яна порлар юлдузинг —
Янги йил келмоқда... Биринчи январ!

Йил буйи тинмади, тер тўқди роса
Ғолиб пахтакорим, руҳи мунаввар
Сезмай ҳам қолишга бундоқ қараса:
Янги йил келмоқда! Биринчи январ!

Менинг деҳқон халқим, узинг омон бўл!
Бошинга шарафли йиллардан чамбар.
Бўлай деб чамбарга яна битта гул
Янги йил келмоқда! Биринчи январ!

Муҳаммад АЛИ

ТАЙИНЛАШ



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг буйруғига қўра **Раҳмонберди Эргашев** **ЗИКИРОВ** "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори лавозимига тайинланди.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизга йиллик обуна мавсуми 2002 йил, 23 декабрда якунланди. Аммо бу обуна мавсуми тугади дегани эмас. Ҳечдан қўра қеч бўлгани ҳам яхши деганларидек, энди сиз ҳар ойнинг йипирманчи кунига обуна бўлсангиз, навбатдаги ойдан бошлаб йил охиригача газетамизни ўқиганга мувофиқ бўласиз.

"Xabar" га барча алоқа бўлимларида ва газета дўконларида обуна бўлиш мумкин.

Нашир кўрсаткичи:
Яқка тартибдагилар учун — 227.
Ташкилотлар учун — 228.

ЙИГИЛИШ ҲУҚУҚИ

Тошкентдаги халқаро бизнес марказида "Ўзбектелеком" АКнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори **А.АРИПОВ** олиб борди. Йиғилишда долзарб масалалар кўриб чиқилди.

"Электралоқа таъминот" АЖни "Ўзбектелеком" АКга бириштириш йўли билан қайта ташкил этиш, бириштириш шартномаси ва узатиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида" "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Р.Юнусов маъруза қилди. Маърузада Агентлик ва "Ўзбектелеком" АКга "Электралоқа таъминот" АЖдан мурожаат тушгани, корхонада "Ўзбектелеком" АК филиалларининг моддий-техник таъминотини таъминлаш учун инфраструктура мавжудлигини ҳисобга олиб, бириштириш йўли билан "Ўзбектелеком" АК таркибига таъминот бўлими ташкил этиш мақсадига мувофиқ эканлиги, "Электралоқа таъминот" АЖни "Ўзбектелеком" АКга бириштириш ва топшириш далолатномалари тўғрисида шартнома лойиҳаси тайёрлангани айтилди. Шундан сўнг "Ўзбектелеком" АК Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги масала кўриб чиқилди. Бу ҳусусда "Ўзбектелеком" АК бош директори Х.Муҳитдинов маълумоти тингланди. Маърузачи Компания таркибига "Жиззах Те-

леком", "Самарқанд Телеком", "Қашқадарё Телеком", "Сурхондарё Телеком" ва "Ўзбектелеком мобайл" филиаллари қўшилганлиги туфайли Уставнинг айрим моддаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклиф киритди. Таклиф акциядорлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

"Ўзбектелеком" АК тафтиш комиссиясига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" Компания бош директорининг ўринбосари Т.Имминов ахборот берди. Компаниянинг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали молия директори С.Парпиев ишдан бўшаганлиги сабабли "Ўзбектелеком" АК тафтиш комиссияси раиси вазифасини бажара олмаслигини инобатга олиб, уни тафтиш комиссияси таркибидан чиқариш ва янги раисни сайлаш кераклиги таъкидланди. "Ўзбектелеком" АК Тафтиш комиссияси раиси этиб "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали бош бухгалтер Т.Гапонова овоз бериш йўли билан сайланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

ЙИЛДАН ЙИЛНИНГ ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

Умр оқар дарё... Кечагина 2002 йилни шоду хуррамлик билан қаршилаган эдик. Бугун эса уни мозийга кузатиб, янги — 2003 йилни кутиб оляймиз.

Ўтаётган йил барчамизда турлича таассурот қолдиргани табиий. Кимдир бахтдан масрур, кимдир армонда... Лекин ҳамма келажақдан умидвор. Тирикликнинг асл маънисини ҳам шунда.

Биз айрим алоқачиларнинг жорий йили эришган ютуқларини, амалга оширган ишлари ҳамда келгуси режаларини билан қизиқдик.

Абдулахад МАШРАПОВ, “Андижон Телеком” филиали, Хонобод телекоммуникация боғламаси бошлиғи:

Хонобод Андижон вилоятининг адирлик бағридаги мўъжаз шаҳарчаларидан бири бўлиб, қўшни Киргизистоннинг Ўш ҳамда Жалолобод вилоятлари билан чегарадош. Аҳолиси 35 мингдан ортиқ. Шаҳримизда Хитой, Россия, Исроил, Жанубий Корея сингари давлатлар билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналар жойлашган. Михозларга сифатли алоқа хизмати кўрсатиш йўлида боғламамизнинг 52 нафар алоқачиси тинмай меҳнат қилмоқда.

Ўтиб бораётган йилни сарҳисоб қилсам, жамоамиз билан кўзга кўринарли ишларни амалга оширибмиз. Корхонамиздаги уч минг рақамли ДТС-1100 станцияси орқали 2544 та шаҳар ва 369 та қишлоқ абонентларига хизмат кўрсатяёмиз. Мавжуд 11 та таксофон ҳам халқимиз ихтиёрида. Янги рақамли станцияни ишга тушириш натижасида аҳолига ўндан ортиқ қўшимча хизмат турларини кўрсатиш имконига эга бўлди. Янги турар жойларга 1,5 км.дан ортиқ кабел тортилди. Айни дамда узлуксиз алоқани таъминлаш мақсадида иккинчи оптик толали кабел қурилишини бошлаяёмиз. Бундан ташқари соҳада тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор

қаратилган. Шу кунгача учта сўзлашув маскани ижарага берилди. Булар сонини яна учтага ошириш арафасидамиз. Умуман аҳоли ҳамда корхоналарга намунали хизмат кўрсатиш учун бор имкониятимизни ишга солганмиз. Келгусидаги режаларимиз эса бисёр.

Янги йилни ҳамма интиқлик билан кутади. Бизнинг оиламиз учун эса бу кун кўшалок байрам. Ҳар гал янги йилни қарши олиш билан бирга туғилган кунимни ҳам нишонлаймиз... Баъзан ўйлаб қоламан, йил янгиланаверади, ёшга-ёш қўшилаверади, умр ўтаверади. Хўш, нимага эришдим, ганимат онлардан қандай фойдаландим, одамларга бирор нафим тегдими? Саволларимга ўзим жавоб топгандай бўламан. 1995 йили Тошкент электротехника алоқа институтининг кўп каналли электралоқаси факултетини тамомлаган, ўшбу корхонада ЛАЦ муҳандиси, бош муҳандис вазифаларида ишладим. 1999 йилдан буён ахил жамоага бошчилик қилиб келаяман. Менга ишонч билдирилгани, қолаверса, барчаси туғилганларимдай бўлиб қолган, самимий, меҳнатқаш, бағрикенг хонободликларга баҳоли қудрат хизмат қилаётганимнинг, севимли касбим мухрибон оилам борлигининг ўзи улкан бахт-ку. Демак, беиз яшамаяпман экан.

Фурсатдан фойдаланиб, эшик қоқайтган янги — 2003 йил билан шахсан ўзим ҳамда жамоамиз номидан Республикаимиздаги барча

ҳамкасбларни табриклайман. Неки эзгу ниятлари бўлса амалга оширишга тилақдошман.

Сафарбой ХАСАНОВ, “Самарқанд почтаси” АЖ, Тойлок филиалининг Боғизогон алоқа бўлими бошлиғи:

Йил ҳам ниҳоясига етмоқда. Ҳар бир ўтаётган йил инсон умрида қандайдир жиҳати билан из қолдириши аниқ. Жумладан, 2002 йил мен учун ҳам омадли, ҳам масъулиятли ўтди. Йил давомида аҳолига намунали хизмат кўрсатиш, олдимизга қўйилган режаларни баҳоли қудрат амалга оширишга ҳаракат қилдик. Ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам бўлди. Мухими, йилдан-йилга ўз нуқсонларимизни бартараф қилиб, масъулиятли хизматимиз давомида самарали меҳнат қилишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ўтаётган йилдаги қувончли воқеа — ўлимнинг билим юртига киргани бўлди. Яна лотерейдан машина ютмоқчи эдим, омад бироз юз ўтирди, фақат аудио магнитофон соҳиб бўлдим.

Янги 2003 йилда олдимизга қўйган режалар жуда кўп. Аввало, алоқа соҳасида миҳозларимизга янги хизмат турларини тақлиф қилишимиз, алоқа сифатини янада яхшилаш ва ходимларимизнинг иш фаолиятини олиб боришлари учун барча қулайликларни яратиб беришимиз лозим.

Имкониятдан фойдаланиб алоқа ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва барча юртдошларимизни кириб келаятган янги йил билан самимий муборакбод этаман. Янги йил барчанинг хонадонига янгина бахт, қувонч ва омад олиб кирсин.

**У.ЙЎЛДОШЕВ,
Л.ТУРСУНОВ**лар
тайёрлашди

ҚУРУЛТОЙ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг кичик мажлислар залида Республика алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитасининг VI қурултойи бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитаси раиси Т.НАЗАР-ЖОНОВ олиб борди ва “Соҳа корхоналарида меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши ва ҳуқуқий маданиятни ошириш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг ахволи тўғрисида” маъруза қилди.

Маърузачи адолатли ҳуқуқий жамиятни барпо этиш ва ривожланган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ходимларнинг ҳуқуқий савиясини ўстириш, меҳнатқашларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўнимасини шакллантириш, меҳнат қонунчилигига оғишмай риоя қилинишини жамоатчилик асосида назорат қилиш касба уюшмалари фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири эканлиги, жамоа келишувлари ва шартномаларига асосан соҳа ходимларига 40 дан ортиқ имтиёзлар тури белгиланганлиги, касба уюшмалари билан иш бевуриларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва тенг ижтимоий шерикчилик асосидаги фаолияти, шу билан бирга жойларда айрим корхона раҳбарлари ва касба уюшма кўмиталари томонидан меҳнат қонунчилиги ва касба уюшмалари тўғрисидаги қонун талабларининг қатъий баҳарлишини таъминлаш ва меҳнатқашлар ўртасида ҳуқуқий тартиб ишларини кучайтириш борасида хато ва камчиликлар

содир этилаётганлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Хисобот юзасидан Самарқанд алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси раиси Т.Раҳматов, Жиззах алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси раиси Н.Мамадалиева, Сурхондарё алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси раиси А.Даминов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини билдиришди.

Қурултойда ташкилий масала кўриб чиқилди. Ш.Қосимова Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитаси раиси ўринбосари этиб сайланди.

Қурултой ишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Ш.Обидхўжаев, Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси кенгаши бўлими бош мутахассиси И.Юнусов қатнашди. Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

ОРДЕН ТОПШИРИЛДИ



Республикамиз Мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан ҳамюртларимиздан бир-гuruху Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишган. Улар орасида “ДЎСТЛИК” ордени билан мукофотланган Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали директори Саидқабар АЪЗАМОВ ҳам бор эди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги мажлисида нишондор тақдирланди. Ордени Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Агентлик Бош директори А.Арипов топширди.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

Тошкент ахборот технологиялари университети ўқув бўлими томонидан ўзбек ва рус гуруҳларида барча йўналишлар бўйича таҳсил олаётган 1-курс талабалари учун таълим жараёнини янада яхшилашга қаратилган очик мулоқот ўтказилди.

Йигилишни Университет ректори, техника фанлари доктори, профессор С.Қосимов ва университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори О.Абдуазизовлар олиб боришди.

Фундаментал фанлар факультети декани Б.Абдусатторов ва университетнинг декан

муовинлари, кафедларнинг етакчи ўқитувчилари иштирокида ўтган бу анжуманда кафедра мудирилари талабалар мавжуд имкониятлардан унуман фойдаланиб, билим доираларини кенгайтиришлари лозимлиги, сессия давомида якуний назоратларни топшириш ва қайта топшириш ҳамда стипендия тайинлаш тартиби тўғрисида гапирдилар.

Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**А.ХУСАНОВА,
ТАТУ “Ўзбек ва рус тиллари”
кафедраси ўқитувчиси**

ИНТЕРНЕТ —

ЧЕКСИЗ АХБОРОТ МАНБАИ

Мамлакатимизда Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш шароитида маълумотлар узатиш тизими ва Интернетни ривожлантириш долзарб масала бўлиб турибди. Айниқса, бошқарув, бизнес, фан ва маориф соҳасидаги субъектлар, шунингдек, аҳоли турли қатламларининг халқаро ахборот манбаларига кенг миқёсда қира олиши учун имконият яратиш ўта муҳимдир.

Юртимизда Интернетнинг ривожланишига ташкилот ва корхоналарни фаол жалб этиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мажлислар залида “Ўзбекистон Республикасида маълумотлар узатиш тизими ва Интернетни ривожлантириш масалалари” бўйича семинар бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директорининг ўринбосари А.ХУЖАЕВ олиб борди. Семинарда ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернет шиддат билан тарққий этиб бораётган бугунги даврда қўрилган масаланинг ўта долзарблиги, давлат ва жамият иқтисодиёти ривожини тезлаштириш жараёнида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, аҳолининг сифатли ва тезкор ахборот билан таъминлаш кераклиги таъкидланди.

Хозирги кунда Республикаимизда 30 дан ортиқ Интернет провайдерлар мавжуд. Интернетта уланганларнинг 75 фоизи пойтахт

тимизда жойлашган бўлиб, улар сони 40 мингта етди. Режага кўра 2010 йилга бориб Интернетдан фойдаланувчилар сони 3 млн.дан ортади. Бу даврга келиб мактабларда 100 нафар ўқувчига 5 та, талабаларнинг 100 нафарига эса 25 та компютер тўғри келадди. Ўшбу маълумотларни Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори Р.Исаев “Ўзбекистон Республикасида Интернет тармоғининг ривожланиш истиқболлари ва аҳоли” мавзусидаги маърузасида айтиб ўтди. Шунингдек, маърузачи Интернетнинг ютуқлари билан бир қаторда хавфи ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Айни чоғда унинг самарали жиҳатлари кўпроқ. Бугунги кунда Интернетнинг чексиз ахборот манбаи эканлиги, ахборот алмашишининг қулай воситаси ҳамда унда масофали таълим тизимини йўлга қўйиш имкониятлари мавжудлиги бунга мисол бўла олади.

Семинарда соҳада қилар тайёрлаш муаммоси, корхона ва таъкилотларда маълумотлар узатиш тизими ва Интернетни ривожлантириш масалалари ва бошқа мавзуларга оид маърузалар ҳам тингиланди.

Хуллас, икки кун давом этган семинар йиғилишида янги таъкилотлар, талаб ва тақлифлар билдирилди. Келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Л.ТУРСУНОВ

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Жорий йилнинг май ойида “Хавар” газетаси тахририяти “Қарияларни қадрлаш йили” муносабати билан “Қарияли уй — баракали уй” мавзуида алоқа соҳасида узоқ йиллар ишлаб, обрў-эътибор қозонган кексалар, меҳнат фахрийлари ҳақида ёзилган энг яхши лавҳа, очерк, мақола, шеър ҳамда фотосуратлар учун танлов эълон қилган эди. Тахририят ушбу танловга аяқ ясади. Унинг шартларига кўра қуйидаги муаллифларимиз танлов совриндорлари деб топилди.

Учинчи ўринга “Ирода кучи” ҳамда “Умр безаги” мақолалари учун **Тўланбой КАМЧИЕВ** (Андижон вилояти) сазовор бўлди.

Иккинчи ўрин “Олий саодат” ва “Бахти тўқисаёл” (суратли мақола) мақолалари учун **Аскар ИСТАМОВ**га (Бухоро вилоятидаги жамоатчи мухбиримиз) берилди.

Биринчи ўринга лойиқ мақолалар бўлмаганлиги учун у ҳеч кимга насиб этмади.

Мукофотлар муборак бўлсин!

Азиз юртдошлар!

"АЛОҚАБАНК" АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Сизни кириб келаётган 2003 йил билан
чин дилдан муборакбод этади.

*Янги йил жонадонингизга ҳуш кайфият,
файз-барака, тинчлик ва
бесойишталик олиб кирсин.*

Сизлар билан ўзаро ҳамкорлик қилаётганимиздан
мамнунмиз ҳамда алоқаларимиз янги йилда бундан ҳам
мустаҳкам бўлишига умид қиламиз.

ТАДБИРКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида "Ахборот ва алоқа тизимида хусусий, кичик ва ўрта бизнесни ташкил қилиш" мавзусида семинар-кеңаш ўтказилди. Унда Агентлик тасарруфидаги корхона ва ташкилотлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Республика Макroiнқисодиёт ва статистика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳамда Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни кучайтириш Давлат қўмитаси вакиллари ҳам иштирок этди. Йиғилишни Агентликнинг Бозор ислохотлари ва қимматбаҳо қозғалар бўлими бошлиғи М.КОЖАКИН олиб борди.

Семинарда Агентлик Бош директори ўринбосари Ш.Обидхўжаев "Почта алоқаси ва телекоммуникация тизимида кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолияти бўйича қондалар ҳақида" маъруза қилди. Маърузада барча соҳада бўлган каби телекоммуникация тизимида ҳам хусусий, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ижобий самара бераётгани, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш мақсадлида бюджетдан ташқари жамғарма томонидан 2002 йилнинг биринчи ярми учун 75 миллион сўм ажратилгани, универсал хизматлар кўрсатувчи операторларни қўллаб-қувватлаш механизмини ишлаб чиқариш мақсадида "Умумий фойдаланиш тармоғидаги телефон алоқаси хизмати кўрсатиш тартиби" ва "Операторлар ва провайдерлар ҳақидаги Низом" дастурлари тайёрлангани таъкидланди.

"Ўзбектелеком" АК бош директори ўринбосари Р.Юнусовнинг "Телекоммуникация тизимида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш" мавзусидаги маърузаси тингланди. Маърузачи компания филиалларида олиб борилган ишлар натижасида жойларда 48 та объект ижарага берилгани, бу билан телефон хизматида фойдаланувчи аҳоли ўсишига ва хизмат сифатининг яхшиланishiга эришилгани, қўшимча 182622,8 минг сўм фойда олингани хусусида тўхталди.

"Кичик ва ўрта бизнес ҳамда

хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда почта хизматлари кўрсатишнинг аҳамияти ва зарурияти тўғрисида" маъруза қилган "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директорининг биринчи ўринбосари А.Хўжаев почта соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш учун кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг Концепция лойиҳаси ишлаб чиқилгани, ушбу Концепцияни амалга ошириш бир неча босқичдан иборатлиги, тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашда "Алоқабанк"нинг хизмати катта бўлаётгани ҳамда соҳада тадбиркорликнинг ривожланишини янада жалаллаштириш лозимлиги ҳақида тўхталди. Шундан сўнг Агентлик Фан-техника ва маркетинг талқиқотлари маркази директори Р.Исаев, Фаргона вилояти "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ директори М.Сотволдиева, "Алоқабанк" бўлими бошлиғи Б.Исломов, Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни кучайтириш Давлат қўмитасининг Рақобат сиёсати бўлими бошлиғи В.Дубровская, тадбиркорлар — Наманган вилояти, Қосонсой туманидаги "Оҳан — Телеком" хусусий фирмаси директори О.Дабоев ва "Тошкент Телеком" филиалининг "Диколор-М" кичик корхонаси бошлиғи О.Камоловлар сўзга чиқди.

Йиғилишда қизғин баҳс мунозаралар, савол-жавоблар ҳам бўлди.

У.ЙЎЛДОШЕВ

Янгилик

ЭЛЕКТРОН ДАСТУР ТАҚДИМОТИ

"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиалида электрон ҳужжатлар алмашинуви тизими "ЕВФРАТ — Ҳужжатлар алмашинуви" дастурининг тақдими бўлиб ўтди.

"Pro-technika" хусусий фирмаси мутахассислари томонидан тақдим этилган электрон дастур — "ЕВФРАТ — Ҳужжатлар алмашинуви" тизими Россиянинг "Cognitive Technologies" компанияси томонидан тайёрланган бўлиб, тизим орқали ягона маълумотлар базасига кириш ва керакли ҳужжатни топиш мумкин бўлади. Маълумотлар базасида рўйхатдан ўтган барча ҳужжатлар сақланади. Лекин бу ҳамма ҳам хоҳлаган ҳужжат билан таниша олади дегани эмас. Бунинг учун махсус кодларни билиш лозим.

Тизимнинг қулай жиҳати шундаки, унда зарур ҳужжатни тезда топиш, иш сифатини ошириш ва ходимлар вақтини тежаш ҳамда ахборот дахлсизлиги ва ундан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш имконияти мавжуд. Тақдим этилган дастурнинг бугунги кунда долзарблиги ва ютуқлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам бор. Олдинда ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Фирма мутахассислари келгусида яна шундай йиғилишлар ўтказиш ва дастурни мукамаллаштириб боришни режалаштирган.

Тақдиротда "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали директори А.Жўрабоев, бўлим бошлиқлари ва ходимлар қатнашди.

Ўз мухбиримиз

JBIC ПОЙИХАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида ўтказилган навбатдаги семинар Республика телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш — JBIC лойиҳасини амалга оширишда қурилиш сифати ва самардорлигини кўтаришга бағишланди. Уни Агентлик Бош директорининг ўринбосари, лойиҳа директори Ш.ОБИДХЎЖАЕВ кириш сўзи билан очди ва маъруза қилди.

Йиғилишда Агентликнинг Фан-техника ва маркетинг талқиқотлари маркази директори Р.Исаев "JBIC лойиҳасини қуриш бўйича масъул ходимларнинг жавобгарликлари ва ҳуқуқлари ҳақида" маъруза қилган бўлса, "Ўзбектелеком" АК бош директори ўринбосари Р.Юнусов "JBIC лойиҳасини қуриш бўйича техник назоратчи

ходимларнинг жавобгарлиги ва ҳуқуқлари ҳақида" сўз юритди.

Давлат алоқа инспекциясининг Қурилиш бўлими бошлиғи Ю.Далажонов "Қурилиш ишлари сифати бўйича давлат назоратини олиб бориш тартиби" тўғрисида сўзга чиқди. Маърузачи JBIC лойиҳасини амалга ошириш бўйича Давлат алоқа инспекциясининг асосий вазифалари ҳамда ҳуқуқлари ҳақида тўхталди. Шунингдек, семинарда "Алоқабанк" АЖ расисининг биринчи ўринбосари Б.Бурҳонов, "Ўзипэксалок" АЖ бош мутахассиси Ю.Камолов ҳамда лойиҳа бош муҳандиси К.Ротовлар ўз маърузалари билан иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

АЛОҚАЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Куйганёр телекоммуникация боғламасида "Андижон Телеком" филиали раҳбарияти иштирокида очик двра сўхбати бўлиб ўтди. Унда Куйганёр телекоммуникация боғламаси меҳнат жамоаси аъзолари билан бирга алоқа тизимида кўп йиллар ишлаб, ҳозирда кексалик гаптини сураётган фахрийлар ҳам қатнашдилар.

Сўхбатда йил давомида амалга оширилган ишлар якуни таҳлил қилиниб, корхона фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Алоқа хизмати сифатини яхшилаш, даромадларни ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилан олиниди. Электр алоқа хизматининг асосий истемолчиси қишлоқ аҳолиси бўлганлиги боис қишлоқ

АТСлари иш сифатини ошириш масдасига алоқча эътибор берилди. Йиғилишда Куйганёр телекоммуникация боғламаси раҳбариятининг ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга қулай меҳнат шароитлари яратиш каби ишларга катта эътибор бераётгани алоқча таъкидланди. Ўз вазифаларини сидқидилдан адо этиб, Андижон тумани алоқа тизимини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўлаётган алоқачилар — станция муҳандиси А. Султонов ҳамда электромонтёр Н. Саидов "Андижон Телеком" филиалининг "Фахрий ёрлинг"и билан тақдирланди.

Р. УЗОҚОВ,
жамоатчи мухбиримиз

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси телекоммуникация ва информацион технологиялар факультетининг «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича декан муовини Г.Ахмедовага отаси

ЖУМАОЙ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекистон почтаси" ДАК жамоаси "Наманган почтаси" АЖ директор ўринбосари Е.Антоновага умр йўлдоши

Владимир АНТОНОВнинг вафот этганини муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

Дунёга "Темир хоним" номи билан машхур Буюк Британия сиёсатчиси, собиқ бош вазир Маргарет Тетчернинг оилавий ва иш фаолияти қандай кечганди? У қандай қилиб бу номга сазовор бўлди? У ўзи аслида ким эди?

Маргарет Хилда Робертс 1925 йил, 13 октябрда Англиянинг унчалик катта бўлмаган Грантем шаҳрида дунёга келди. Унинг отаси Алфред Робертс тижорат одами бўлишга қарамай, тишимсиз изланарди. Билимга ташналик, ижтимоий ҳаётига, сиёсатга, дунё воқеаларига қизиқиш унда ниҳоятда кучли бўлган. 1943 йилдаги сайлов жараёнларида фаол қатнашган Алфред Робертс Грантем шаҳри ҳокими лавозимига сайланади. Ҳали 18 ёшга ҳам тўлмаган Маргарет отасининг ёнига жўрд. Унга ҳамдард, ҳамфикр бўлди ва ўз қонида сиёсатга ташналик ҳиссини жуда барвақт англаб етди. Отаси унинг илтижомли, билимдон, бир сўзга ва қатъий фикрли қилиб тарбиялади.

Маргарет Оксфорд университетининг нуфузли коллежларидан бирида кимё фани бўйича тахсил олди. Одатдагидек у яхши ўқиди, бироқ уни химиядан ҳам кўпроқ Оксфорд университетидagi консерваторлар ассоциациясининг фаолияти қизиқтирарди. Кўпчилик талабалар лейбористларга хайрихоҳ эмасдилар. Бу ҳол ёш қиз қалбиди курашчанлик туйғуларининг янада аламлилаштиришга туртки бўлди. Кун сайин унинг тушунчалари ойдилашиб, дунёқараш кенгай борди.

Отаси ҳаммаша қизига: "Ўзгалар устидан ҳукм чиқариш учун инсон энг аввало ўз ватанига, халқига, оиласига, эътиқолига содиқ бўлиши керак" анигини ўқитарди. Кейинчалик Маргарет Тетчернинг ўзи ҳам: "Мен ижтимоий ва сиёсий ҳаётда нималарни эришган бўлсам, ҳаммасига қаттиққўл ва талабчан отамнинг шарофати билан эришдим" дея тан олади.

Маргаретнинг ҳаётида муҳим урин тушган яна бир омила — машхур иқтисодчи Френсис Хейнинг "Куликка қарши йул" деб номланган китоби эди. Бу китобда олим биринчилардан бўлиб давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда тутган ўрни, унинг ҳар қандай шароитда инсон фаровонлиги ва мамлакат тараққиёти учун хизмат қилиши кераклигини таҳлил қилиб берган эди.

Университетини тамомлагач, Маргарет пластмасса ишлаб чиқарувчи фирмада ишлай бошлади. Бироқ сиёсий ҳаётга интилиш туйғуси унга сира тинчлик бермасди. У

бўлажак парламент сайловларида ўз кучини синаб куришга қарор қилди. Шу сабабдан ишдан қўли бўшди дегунча сайловчилар ҳузурига ошқарди.

1948 йилдаги партия конференцияларининг бирида Маргарет Робертс бизнесмен Денис Тетчер билан таниш қолди. Конференция тугагач, Денис ёқимтой қизни узининг "Ягуари"да шаҳарга олиб бориб қўйишни таклиф қилди. Йўлда Робертс биринчи хотини билан ажрашгани, унинг исми ҳам Маргарет бўлгани

"ТЕМИР ХОНИМ"

ёки дунёнинг кучли аёли



ни сўзлаб берди. Бу ҳодиса фақат бир марта эмас, улар турмуш кургузларига қадар — яна бир сайлов жараёни айланб келгунча такрорланди... 1951 йилнинг 13 декабрида уларнинг тўйи бўлиб ўтди. Энди мисс Робертс миссис Маргарет Тетчерга айланди.

1950-1951 йиллар Маргарет ҳаётида ниҳоятда қизгин кураш даври бўлди. У бу вақтда муваффақиятга эришгани йўқ, бироқ жуда катта тажриба тўлашга муваффақ бўлди. Ана шундай пайтларда бўлажак бош вазирга отасининг: "Сен партияни шунчаки бошқаришга эмас, балки уни ўз юмсагин билан сўрашга ҳаракат қил. Чунки қироллар ва қиролчилар ҳам дунёга усту бўлмаган. Тарих бамисоли теймон тоши. Айланб тураверди. Бироқ озолиқли асраб қилиш ва уни келгуси асрларга соғинишга илҳом этмок ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келмаслиги" деган ўйларини дала берди.

Денис Тетчер Маргаретга жуфт муносиб умр йўлдош бўлди. У хотинидан ўн ёш катта эди. Шунинг учунли, Денис хотинининг барча илтишлари, дунёқараш ва мақсадлари қадрларди. Унинг ўзи ҳам консерваторлар партиясига Маргаретдан анча илгарироқ аъзо бўлган эди. Эригининг ёрдами билан Маргарет модавий қийинчиликлардан батамом халос бўлди. 1953 йили Тетчерлар қўшалоқ фарзанд қўришди. Бир-биридан ширин Марк ва Кэролайннинг онаси энди нима қилишини биламай боши қотди. Ана шундай қийин пайтда Денис ёрдамга

• МАШХУРААР ҲАЁТИ

келди. У Маргаретга ўқиниши давом эттириб болалигиндан орзу қилган мутахассислик — солиқ юрсти бўлишга қўмақлашди.

1950 йили озиқиб қўтилган кўнлар келди. Маргарет Тетчер Британия парламентининг аъзоси этиб сайланди. Икки йилдан сўнг Нафақа ва сугурта ишлари вазирлигига таълиф қилинди. Кейин Маориф вазирлигига ишга ўтди. Булар бўлажак ислохотчининг жуда бой ва кенг қиррали тажриба тўлашга ёрдам берди.

Маргарет Тетчер сиёсатга шунчаки ишқибоз эмас, содиқ ва изланувчан инсон сифатида консерваторлар орасида зинама-зина обрў қозона борди. 1975 йили ўтказилган сайловларда Маргарет Тетчер консерваторлар партиясининг етакчиси ва Британия аёллари ичида биринчи бўлиб бош вазир даражасига қўтарилди. Тетчерлар Лондондаги Даунинг-стрит кучасида жойлашган 10-уйга — бош вазир қароргоҳига қўчиб ўтилди. Бош вазир мамлакатда кучли ва барқарор сиёсат ўрнатиш, дунё мамлакатларининг та-

лаб ва эҳтиёжларини қондира оладиган мукамал санаяти ривожлантириш ҳамда халқнинг билим даражасини юксалтиришнинг ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Тетчер даврида сиёсий жараёнлар адолатли бўлди, илмий-техника юксалиши рўй берди.

Маргарет Тетчер амалга оширган ислохотлар халқро маъдонга учмас из қолдирди. У оилада, жамиятда, хизмат вазирида ҳам барчага ибрат бўла оиди. Шу сабабдан ҳам "Дунёнинг энг кучли аёли" деган номга сазовор бўлди ва халқ томонидан берилган бу унвонни оқлади.

1983 ва 1987 йиллардаги сайловлар Тетчерни бош вазирликдан кетказма олмади. У кўпчилик вазирига "Аёл киши эканлигини унутинг" дея таъкидларди. Бироқ унинг аёллигини, боз устига "Темир хоним" эканлигини ҳеч ким унутмади.

1990 йили Маргарет Тетчер Даунинг-стритдаги 10-йили Жон Майкорга бўшатиб берди. Тетчерни ўз қабулига қақирган Елизавета II "Тетчер бошқарган Британия дунёда катта нуфузга эга бўлди", деган эди. Сиёсатчилар у бошқарган 80-йилларни "Британия қайта куриш даври" деб атайдилар. Унга яна қандай нисбатлар берилмиди қатъий назар, у тарихда XX асрнинг энг ёрқин сиймоларидан бири бўлиб қолди.

Иззат АХМЕДОВ тайёрлаган

ЯНГИ ЙИЛ ДАСТУРХОНИ

Янги йил кечасида яқин кишилар ва дўсту биродарларга қандай таом тартиб қилиш керак? Албатта, энг ширин, лаззатли, хилма-хил ва ўзгача таомларни-да! Лекин бу етарли эмас. Турли-туман таомларда, ҳар бир халқнинг янги йил дастурхонига тартиб қилидиган таомлари маълум бир маънони касб этади.

Мисол учун Японияда уй бекалари янги йил арафасида сабзавотлардан таом тайёрлашар, бу олат йил давомида бахт-саолат келтирадиган ишонишлар экан. Уларнинг талқинича денгиз қарами — қувонч, қуврилган каштан — ишда омад, димланган балиқ — осоийшталлик, селё икриси — бахтли оила, серфарзандлик рамзи экан.

Францияда агар қуврилган курка янги йил дастурхонига тартиб-маса байрам байрамдек ўтмайди. Австрия, Венгрия, Югославияда эса аксинча, байрам столига роз, ўрдак, товуқ ва курка гўштлари умуман қўйилмайди. Бу кечда қўшни тановул қилиш бахт келтирмайди дейишади.

Ҳар бир испан, португал ва кубалик соат ўн иккита занг ура бошлагач, узум ейишга тушади ва бир-бирига эзу тилаклар билдиришади.

Янги йил кечаси узум ва ёнғоқни Италияда солиқ, узок умр ва саховат рамзи сифатида тановул қилиш одат тусига кирган.

Камбождада эса янги йил столи қўзғу қаршисида ўрнатилган ҳамда ширинликлар меҳмонлардан ташқари Қорбоғга ҳам улашилади.

Тибетликларнинг ақоийб янги йил удуми мавжуд. Уй бекалари барча таниш ва нотанишларни меҳмон қилиш учун жуда катта пирог пиширади. Қанча кўп тарқатсанг — шунчалик бой бўласан!

Янги йил пироглари Руминия, Австралия, Болгарияда ҳам пиширилади. Яна оддий эмас, қўтилмаган совғалик қилиб тайёрланади. Агар кимнинг пирог бўлаги ичилдан тагга чиқса, янги йилда ўша кишининг оиласига бахт қилиб боқар экан.

Дунё 2003 йили сабрсизлик билан кутмоқда. Европа каттадагари ва журналлари фуқаролари Янги йил тадбирлари, уни қандай қилиб олиш билан таништирмоқда. Янги йилнинг доимий рамзи бўлиши арча албатта ҳеч қачон урфдан чиқмайди, уни қандай безатиш лозимлиги ҳақида янги-янгидек таъсирлар айтимоқда. Қуйида ана шундай таъсирлар билан танишасиз.

ШАМ

Янги йилни шамлар қўршовида қўтиш байрам кечасини янада сеҳрли қилади. Шамларни йил ўзгачароқ жиҳозлаш лозим бўлади. Масалан, уни ёнғоқ пўчоғига ёки кичкина, жимжамалор идишларга тикиб қўйишининг мумкин. Шамлар сони қанча кўп бўлса, кечанинг эртасимонлиги шунча ошади. Урфга кирган сузувчи шамлар айни мулдо, фақат уларни қўлдундан чиқариб, суваг қўйишни унутманг, майли бирланига 20 донаси суваг сузиб юраверсин.

АРЧА БЕЗАКЛАРИ

Ойнаканд шарлар — Янги йилда арча безанишнинг анъанавий усули. Бироқ булардан ташқари бу-виларимиз замонда арчани бе-за-

ган рангли қорозлан тайёрланган юлдузчалар, шарлар ҳам борки, улардан фойдаланиш Янги йилга алоҳида завқ бағишлайди.

Конфетлар ва турли мева-лар қумуш ёки тилио рангли фольга қорозига ўралиб, ойнаканд ўйин-чоқлар билан биргаликда махсус идишларга жойланса, байрам қўрқини янада оширади.

Умуман, дизайнерлар сизга янги йил безакларининг йўнали-ши ва услубинигина кўрсатиб бе-ришлари мумкин. Яна қандай қизиқарли безак жиҳозларини то-пиш эса ўзингизга боғлиқ. Қола-верса, Янги йилни ҳар ким ўзига қўишни ёқтиради. Худас, дил-ни-гизга қараб иш қўринг, асосийси, Янги йил сизга бахт ва фаровон-лик олиб келсин!

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Андижон Телеком" филиали Хонобод телекоммуникация боғла-маси жамоаси корхона бошлиғи Абдулаҳад МАШРАПОВНИ тавал-луд айёми билан чин дилдан қутлайди. Унга узок умр, сийхат-сало-матлик, ишларида ривож ҳамда оилавий тотувлик тилаб қолади.

"Бухоро почтаси" АЖ Ромитан филиали жамоаси корхона бош-лиғи Муҳиддин ТЎХТАЕВ ва ходим Анвар ПЎЛАТОВЛАРИНИ туғил-ган қўни билан муборакбод этади. Уларга соғлиқ омонлик, бахт ва омад тилаб қолади.

"Қорақалпоқ почтаси" АЖ Хўжайли филиали жамоаси Охунбобо-ев алоқа бўлими бошлиғи Жумабика ПОЛВОНИЁЗОВАНИ 40 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди. Унга ишларида муваф-фақият, оилавий тинчлик ва хотиржамлик тилайди.

"Сирдарё Телеком" филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бир-лашган қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари корхонанинг кадрлар бўлими бошлиғи Азизахон ЗИЁТДИНОВАНИ туғилган қўни билан самимий табриклайди. Унга узок умр, соғлиқ, оилавий бахт ҳамда ишларида омад тилайди.

БАЙРАМ ХАНВАЛАРИ

Дадаси, янги йил баз-мига кимларни таклиф қиламиз?
— Аввало пархездаги-ларни айтаемиз!

Байрам зиёфатидан уйига қайтаёт-ган маст одам рўпарасидан қийиб қол-ган йўловчидан сўради:
— К-кечирасиз, п-пешонамдаги гур-ра нечта бўлибди?
— Бешта!
— Р-рахмат, яна иккита бўлса, уй-имга етволман.

— Амаки, арча байрами томошасига кириш нархи қанча туради?
— Юз сўм.
— Менда атиги эллик сўм бор, кирита қолинг. Томошани бир кўзим билан кўраман.

— Ҳа, оғайни, намунча би-ров қувиб келаётгандай шо-шиб кетаясан?
— Хотинимга янги йил совғаси — қўйлақ сотиб олу-вдим.
— Ҳўш, нима бўпти?
— Уйга етгунимча мода ўзгариб қолмасмикан деб ха-вотирлангман.

А.ЭРГАШЕВ тайёрлаган

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
●
Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ,
Шўхрат ЖАББОР,
Анатолий КУДИНОВ,
Иззат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирпўлнат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,
А.Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42
Habar@uzapt.uzpak.uz
ИНДЕКС: 64600
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма №Г-1070.
5085 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босматбоқ.
Газета таҳририят компютер базасида терилди ва сақланган.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ
Мониторинг: Тошкент шаҳри,
«Буюк Тўрмо» кўчаси, 41-уй.
Матн тўрғуви: Д.МАТКУРБОНОВА
Саҳифаловчи: Ш.КИМСАБОНОВ
Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00